
Саховатпеша тадбиркор томонидан эҳтиёжманд оилаларга бепул ун, озиқ-овқат маҳсулотлари ва тиббий ниқоблар тарқатилди



Саховатпеша тадбиркор томонидан эҳтиёжманд оилаларга бепул ун, озиқ-овқат маҳсулотлари ва тиббий ниқоблар тарқатилди

Ҳақиқатан ҳам бугун халқимиз синовли кунларни бошидан кечирмоқда. Республикаимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, Сух туманида ҳам айти кунларда аҳоли ўртасида коронавирусга қарши курашиш, уни олдини олишга бўлган саъй-ҳаракатлар, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Халқимиз учун синов келган айти кунларда, саховатпеша инсонлар томонидан халқимизни қўллаб-қувватлаш, хайр-саховат қилиш ишлари кун сайин қулоч ёймоқда.



Валижон Тўйчиев тумanning Ҳазрати Али маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилади. Тадбиркорлик билан шуғулланади. Маҳалла раиси Субҳонали Нишонунинг сўзларига кўра, маҳалланинг бирон бир тадбири Валижоннинг моддий кўмагисиз, ҳомийлигисиз ўтмайди. Валижон бугун яна бир хайрли ишга қўл ўрди. Тумanning иккинчи сектори ҳудудидаги аҳоли, айниқса, ижтимоий кўмакка мўхтож бўлган, ногиронлиги бор, кўп болали оилаларни 2 қўзлаб-қувватлаш мақсадида ўзининг беғараз ёрдамини кўрсатди. Тадбиркор томонидан тақдим этилган 100 қоп ун ва айна кунларда асосий восита бўлган 2 000 дона тиббий ниқоблар эҳтиёжманд оилаларга тарқатиб берилди. Шунингдек, саховат амалининг иккинчи куни ҳам тадбиркор

томонидан эҳиёжманд оилаларга 40 қоп ун, 4 донадан нон, гўшт, ўсимлик ёғи ва тиббий ниқоблар эҳсон сифатида тақдим этилди. Саховатпеша тадбиркорга иккинчи сектор раҳбари, туман прокурори Ф. Абдувалиев ҳам ўз миннатдорчилигини билдирди.



Шунингдек, коронавирус туфайли эълон қилинган карантин кунлари ва ўқувчиларнинг таътил даврини мазмунли ўтказиш мақсадида иккинчи сектор раҳбари ташаббуси билан китобхонлик акцияси эълон қилинди. Сектор раҳбарининг ташаббуси билан ўқиб бўлгандан сўнг қайтариб бериш шарти билан ҳар бир ўқувчининг хонадонига бадиий адабиётлар юборилмоқда. Шунингдек, туманда янги карантин тартибига қатъий риоя қилиш борасида ҳам аҳоли ўртасида тизимли ишлар амалга ошириляпти. Бу йўналишда Сух туман телевизион студияси ижодий ва техник ходимларининг фарииятини алоҳида таъкидлаш керакдир.

Сух тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-03-23 18:39:56

REDMI NOTE 8 PRO
AI QUAD CAMERA